



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 8 июлдаги кенгайтирилган йиғилишида мазкур сайлов натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан ҳудудий бўлиmlари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий он-гини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мақсабига айланган.

Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизнинг ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида чўқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишлари ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дхалдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўқис рўйбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсабига Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди, унга мувофиқ аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд

тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашувчи бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Комиссияси томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглр ўтказилди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек, сайлов жараёнида самарали ташкил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет нашрларида 1880 та материал чоп этилди, 2014 та телекўрсатув, радиоларда 2500 дан ортиқ чиқишлар, 10 та ижтимоий ролик тайёрланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминладил.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг сиёсий онгини оқсатиришда ва сайловларни ошқоралик, муқобилик ва тенг сайлов ҳуқуқи таъминиллари асосида ўтказиш, фуқаролар йиғини

раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб фуқароларнинг сайланишида муҳим роль ўйнади.

Умуман, сайлов жараёнида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга, 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир.

Шунингдек, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлики мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларидаги ўрни ва аҳамияти долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчилари янги сайланган фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Кенгаши сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари Кенгашларини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссияларини сайлаш, шунингдек, янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун соҳага доир қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини тушунтириш бўйича ўқув-семинарларини ташкил этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

■ КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?



БУЮК КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши Ўзбекистон тараққиётидаги улкан воқеа, халқимизнинг тарихий ютуғидир

3

■ ДЕПУТАТ — САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ЭРКИН ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАРДА

сайловчиларнинг ислохотлар тақдирига бефарқ эмаслиги яққол намоён бўлди. Учрашувларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ўйлантириб келаётган айрим масалаларни ҳал этиш бўйича фикр-мулоҳазалар, фойдали маслаҳатлар, таклифлар билдирилди.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ДУНЁҚАРАШ

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Аксавли Тумишова Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги сайловчилар билан учрашди. «Янги Зарафшон», «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғинлари ва туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган учрашувларда, аввало, истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида сўз борди.



— Ўтган 25 йил ичида нафақат мамлакатимиз тараққиёти юксалди, айтиш мумкинки, бу даврда одамларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ҳам ўзгарди, — деди депутат. — Айниқса, биз учун мулоқот янгилик бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ривожланмоқда, бу орқали аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланаяпти. Эътибор берсак, қишлоқ жойларда ҳам банд аҳолининг 70-75 фоизи ушбу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда.

► Давоми 2-бетда.

■ ЎЗХДП ҲАЁТИДАН

ЎЗХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши томонидан партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, бу борада партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаоллигини ошириш масалаларига бағишлаб ўқув-семинар ўтказилди. Унда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия кенгашлари раислари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Тадбирда таъкидланганидек, партияимиз дастури ва Сайловолди дастурида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Бу партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар бир партия фаоли, депутат шунга мувофиқ тарзда тарғибот ишларини кучайтириши, дастурий вазифаларимиз аҳамиятини содда тилда, жонли мисоллар орқали кенг тушунтириши керак.

Туман, шаҳар партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар етакчилари, улар атрофида бирлашган аъзоларимиз билан кўпроқ ишлаши, сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини ошириши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Семинар сўнггида партия фаоллари ва депутатларнинг фикр-мулоҳазалари асосида тарғибот ишларини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мнажатдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛТИНҚҮЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, ГАЗ, СИФАТЛИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ЎРГАНИБ, МАСАЛА ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

БУГУНГИ КУНДА ЎЗХДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ 617 БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИК ҲУЗУРИДАГИ ТЕГИШЛИ КОМИССИЯ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧИМБОЙ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

ДЕПУТАТ — САЙЛОВЧИЛАР ХУЗУРИДА

■ Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини кучайтириш, аҳолининг қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлигини ошириш парламентимиз олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

ЭРКИН ВА ОЧИК МУЛОҚОТЛАРДА

сайловчиларнинг ислохотлар тақдирига бефарқ эмаслиги яққол намоён бўлди. Учрашувларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ўйлантириб келаётган айрим масалаларни ҳал этиш бўйича фикр-мулоҳазалар, фойдали маслаҳатлар, таклифлар билдирилди.

Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши, шу аснода кўплаб чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани барчамизни, айниқса, хотин-қизларни хурсанд қилмоқда. Давлат дастури асосида чекка ҳудудларда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида тиббий кўриқлар ташкил этилаётгани, «Саломатлик поезди»нинг олис ҳудудларга етиб бориши фуқароларнинг саломатлиги йўлида қилинаётган ишларнинг амалий кўринишидир.

Бир эслайлик, бундан 25 йил аввал Зарафшон шаҳрида яшаш, хордик чиқариш учун дурусткор шариит бормиди? Истиқлол сабаб бу шаҳарга фэйз кирди. Бугун савлат тўкиб турган иморатлар, ижтимоий соҳа объектлари, ёшлар учун қурилган «Камолот» уйлари унинг кўрғига кўрк қўшган. Бу шаҳарда ҳаёт бутунлай ўзгарди. Навоийликлар бунни юрак-юракдан ҳис этиб яшамоқда.

Шунингдек, Аксавли Тумишова яқинда фаолият бошлаган «ORIANA YARNS TEXTILE» кўшма корхонасида бўлиб, у ерда ишчиларга яратилган шариит билан танишди.

Учрашувларда меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳам сўзга чиқиб, олиб борилаётган ислохотлардан мамнуликларини таъкидлаб, тинч ва осуда кунларнинг қадрига етиш ҳар бир кишининг бурчи эканини алоҳида қайд қилишди.

Фойдали маслаҳатлар, таклифлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзАДП фракцияси аъзоси Феруза Эшматова сайловчилар билан учрашиш учун Шаҳрисабзнинг бош майдони — Амур Темур хийбонига келганида, хайратини яшира олмади. Хаяжонини ҳамроҳи — ЎзАДП туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты Дилшод Ёров билан бўлишди. Дарҳақиқат, бу ерда ҳар бир бино, фаввора ўзига хос қурилган. Кенг аллея да-рахт ва гулларга бурканган. Айниқса, тенгсиз обида Оксарой тавмирдан кейин ярқираб салобат тўкиб турибди.

Майдоннинг бир чеккасида қад кўтарган янги кўш қаватли бинамо музей ташкил топибди. Унда мусаввирлар ишларидан намуналар қўйилибди. Шаҳрисабзлик расом Азизжон баландлиги 75 метрдан кам бўлмаган кадимий Оксаройнинг суратини чизибди.

Бош майдоннинг шарқ томонида қурилган 3 қаватли уйлардан бирининг биринчи қавати «Хунарманд» уюшмасига ажратилган экан. Уюшма раҳбари Юлдуз Мамадиёрова 400 дан ошқасаначи жалб этилгани, чеварларнинг буюмларини чет элга чиқаришга ҳаракат қилишгаётгани ҳақида гапириб берди. Шу аснода туман партия ташкилоти етакчиси Дилшод Ёров ақинда Тошкентда ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг олий анжумани аҳамияти тўғрисида депутатнинг фикрини сўради.

— Ростини айтсам, — деди Феруза Эшматова. — Хануз чексиз фахр ва ҳаяжон оғушидаман. Чунки анжуманда қабул қилинган битим ва ҳужжатлар дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик, ҳамдўстлик, иқтисодий тараққиётни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Меҳмонлар шарафига берилган катта концертда халқлар ўртасидаги санъат, маданият, маънавият борасидаги ҳамкорлик юксак натижалар бериши яққол намоён бўлди. Ифтихоримиз шундаки, Ватанимизнинг жаҳонда ўз ўрни бор, тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос йўлидан бораётгани, ҳамма соҳада тарихий ютуқлар қўлга киритилган. Мана, Шаҳрисабз шаҳридаги тенги йўқ қурилиш ва бунёдкорликлар бунга ҳаётий мисол.

«Ўзбекбургуфетгаз» АЖ га қарашли Беруний номли оромгоҳда 400 бола ёзи таътилни мароқли ўтказмоқда. Депутатимиз мураббийлар ва ёшлар

га ўтган 25 йилда эришилган юксак натижалар, ёш авлод камолоти йўлида қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти, уларнинг ижроси ҳақида жонли мисоллар билан сўзлаб берди. Озқ-овқат ва маиший хизмат коллежи жамоаси ҳамда «Кун-чиқар», «Оқсарой» ва бошқа маҳаллалар вакиллари хузурида депутатимиз шу йилнинг апрель ойида кучга кирган «Парламент назорати тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни батафсил шарҳлаб берди. **Коллеж директори Комила Эгамова** ва бошқа сўзга чиққанлар ҳудуддаги бир қанча ижтимоий масалалар юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

Навкот қишлоғида жойлашган 2-вилоят кўз касалликлари шифохонасидаги учрашувда дори-дармонлар нарх-навоси турлича экани билан боғлиқ масала кўтарилди. Шунда депутатимиз партияимизнинг Сайловолди дастурида бу борада белгиланган вазифалар, соҳа қонунчилигига киритилган охириги ўзгариш ва қўшимчалар хусусида батафсил ахборот берди.

«Кунчиқар» ҚФЙга қарашли Мактабод қишлоғида жойлашган қишлоқ врачлик пунктида сайловчилар оилавий ҳамшираларнинг иш шариитини янада яхшилаш масаласини тилга олишди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда патронаж — оилавий ҳамширалар ишини ташкил қилиш Қашқадарь вилоятида илк бор Шаҳрисабз туманида синаб кўрилган эди. Бугун давр талабига кўра, барча туманларда оилавий подклиникалар ва кўплаб

2017 йилнинг режасига киритилди. Мен шу ва бошқа фаолият ҳақида сайловчиларга ҳисоб бердим.

Учрашувларнинг ўзига хослиги шунда эдики, барча ҳудудларда Мустақилликнинг қўлғу байрамини қўтиб олишга кизгин ҳозирлик кетмоқда. Одамлар меҳнат қилишяпти, орзу-умидлар билан яшяпти. Бу — ҳаёт, бу — тараққиёт дегани.

ИСТИҚЛОЛНИНГ КАДР-ҚИММАТИ

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Кўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини биноси одатдагидан гавжум эди. Уч кун аввал бино олдида қўйилган эълон ўз натижасини берган. Бугун бу ерда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзАДП фракцияси аъзоси Аваз Ўринбоев** билан сайловчилар учрашуви бўлиб ўтди.

— Ҳар икки-уч ойда депутатимиз билан учрашиб, долзарб мавзуларда мулоқот қиламиз, — дейди **ЎзАДП фаолларидан бири Хатичахон Султонова**. — Депутат қабул қилинган янги қонунлар моҳияти, улар бизга қандай ҳуқуқ бергани, бурч юклагани ҳақида халқона тилда тушунтириб берди. Бизнинг таклиф-мулоҳазаларимизга муносабатини билдириб, муаммоларимизга ечим излашга ҳаракат қилди. Биз депутатимиздан мамнумиз.

Бу галги учрашув ҳам расмийташқиллардан холи, самимий ўтди. Ўзбекистонимиз катта байрам бўсағасида

либ ўтди. Бу буюк ишлар замирида тинимсиз меҳнат, оқилона сиёсат, қанчадан-қанча инсонларнинг бедор тунлари турибди, дейишди иштирокчилар. Учрашувда аҳолини қизиқтираётган турли саволларга атрофича жавоб берилди.

Депутатнинг кичик бизнесни ривожлантириш, коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, маҳаллаларда қўшимча иш ўринлари барпо этиш, имтиёзли кредитлардан фойдаланиш, бу борада ёшларга ҳамкорликда ёрдам кўрсатиш ҳақидаги фикрлари йиғилиш қатнашчилари томонидан зўр қониқиш билан қабул қилинди.

Мана шундай тадбирлар туман марказидаги Болалар ва ўсмирлар ижод марказида, «Янгиқўрғон» шаҳарча фуқаролар йиғинида, «Бувайда» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам фаоллик ва самимий вазиятда бўлиб ўтди. Уларда партия фаоллари, ёшлар ҳамда кўпни кўрган нурунийлар иштирок этиб, истиқлолнинг кадр-қиммати, халқимиз тақдирдаги аҳамияти ҳақида фикрлар билдиришди. Йиғилишларда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарориди белгиланган вазифалар, байрамга тайёргарлик кўриш ва уни кўтаринки руҳда ўтказиш, бу жараёнда депутатлар, партия аъзоларининг фаоллигини ошириш хусусида таклифлар айтилди.

Болалар ва ўсмирлар ижод марказида

нинг «Спортчи майдонга ўз юрти, ўз халқи номидан тушади. Унинг ғалабаси шарафига Давлат мадҳияси янграйди, мамлакат байроғи кўтарилади. Хар бир мамлакат, миллат ўз чемпионлари билан фахрланади. Шунинг учун ҳам улар Ватанининг ифтихорлари ҳисобланади» деган сўзлари ўтди.

— ЎзАДПдан сайланган депутат билан бу галги учрашувлар энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида ўтаётгани учун ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлди, — дейди **ЎзАДП Бувайда туман кенгаши раиси Ҳабибахон Тошматова**. — Барчада кўтаринки кайфият. Айниқса, бир қатор ёшларга партияимизга аъзолик гувоҳномалари учрашувлар пайтида топширилаётгани улар учун унутилмас воқеа бўлмоқда. Партияимиз сафи кенгайиб, тобора жипслашиб бораётганидан мамнумиз.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги «Мустақиллик» овул фуқаролар йиғинида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзАДП фракцияси аъзоси Салауатдин Худайбергенов** билан ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши масъул ходимлари ва бир қанча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Йиғилганлар маҳалла аҳолиси, айниқса, партия электорати вакиллари ўйлантираётган масалаларни муҳокама қилишди.

Булларнинг барчаси мамлакатимизда том маънода парламент демократиясини қарор топтиришда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Ана шундай учрашувлар Хўжайли туманидаги «Саришунгул», «Кенегес» овул фуқаролар йиғинларида ҳам юқори савияда ўтди.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

Сурхондарь вилоятидаги 74-Денов сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Қахрамон Мирзаев Денов туманидаги «Хайробо», «Янгиобод», «Қизилжар», «Пистамозор» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва бир нечта маҳалла, ташкилотларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Уларда депутат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, парламентда қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида сайловчиларга батафсил маълумотлар берди.

Бугун нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки чекка ҳудудлар ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-йўйлар, кўркам гузарлар, шарқ меъморчилиги услубидаги кўпқаватли турар-жойлар кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган таълим масканлари, шинам спорт мажмуалари ёшлар ихтиёрида. Ушбу ажойиб манзараларни кўрган одамнинг кўнглидан беихтиёр «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган ўй ўтади, қабғий фахр-ифтихор туйғуси чулғайди.

— Худудимизда 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди **«Қорахон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгашидаги ЎзАДП гуруҳи аъзоси Холмамат Хўжакулов**. — Ўтган даврда 53-умумтаълим мактаби ва Денов компьютер технологиялари касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилган бўлса, яна учта мактаб капитал таъмирланди. Намунавий лойиҳалар асосидаги 145 уй-жойдан хонадон эгалари мамнун.

— Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий инқироз кузатилмоқда, — дейди **«Чўнтош» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзАДП фаоли Химматой Аллаёрова**. — Мамлакатимизда эса соҳалар барқарор ривожланиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги кун сайин яхшиланмоқда. Яқинда маҳалламизнинг янги гузари барпо қилинди, ўнга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Аммо камчиликлар ҳам йўқ эмас. Маҳалламиздаги 3 километр ички йўл таъмирланса, айни муддао бўларди. Шу билан бирга, болалар боғчаси ва футбол майдончасига эҳтиёжimiz бор. Бунинг учун тегишли ер майдони ажратилса, дегандим.

Хозир сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш оммавий тўс олмади. Депутатларимиз ҳар бир қишлоқда ана шундай майдончалар қурилишини назоратга олса, уларни барпо этиш, маҳаллада улардан фойдаланишнинг қонуний асосларини яратишга, яхши бўларди, деб ўйлайман.

— Ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқда, — давом этади **53-умумтаълим мактаби директори Саъдулло Бозоров**. — Бир вақтлар ўзимиз сайланган депутатини кўрмаганмиз. Турли ваъдаларни берганлар ҳам ўтди. Бугун эса мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, депутатимиз фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Бундай ўзгариш, янгилаш ва яшариш мустақиллик иноятидир.

Илхом САТТОРОВ,
Юнус УЗОКОВ,
Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



ҳамширалар фаолият кўрсатмоқда. Тегишли низомига мувофиқ, 1 ҳамшира ҳафтада 40 оиладан хабар олиши лозим. Бунга тўлиқ улғуриш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун уларга муайян транспорт воситаси зарур. Шундан келиб чиқиб, сайловчилар ҳамшираларга велосипед зарурлиги, ўзаро ҳамкорликда ҳомийларни жалб этган ҳолда, бу масалани ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида таклифлар билдиришди.

— Очиғи, бу гал сайловчилар билан учрашувда жуда кўп фойдали маслаҳатлар, таклифлар олдим, — дейди депутат. — Нодавлат-нотижорат ташкилотларидан Кўзи оҳиллар жамяти бўлинмиси, «Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги» жамғармаси вакиллари билан учрашув ҳам эсда қоларли бўлди. Яна бир воқеа унутилмайди. Эсимда, 2014 йилнинг декабрь ойида тумандаги «Бигном» қишлоғида бўлганимда сайловчилар 44-мактаб эски биносининг аҳоли ҳақида ачинаб гапиришган эди. Мен бу масалани Халқ таълими вазирлигига маълум қилдим. Натيجида ушбу мактабнинг янги биносини қуриш, «Полмон» қишлоғидаги 33-мактабни капитал таъмирлаш

турибди. Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан депутат ҳам, сайловчи ҳам босиб ўтилган мураккаб, лекин шарафли йўлга тахлили назар ташлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Қахрамони, таниқли фермер, ЎзАДП аъзоси **Патиллаҳон Эргашева** мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, ижодий ва бунёдкорлик муҳити ҳақида гапирар экан, ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қанчалик эътибор берилаётганидан мамнунлигини билдириди.

Шунингдек, бошқа иштирокчилар ҳам истиқлол имкониятлари, шукроналик, миллий гурур ва шахсий бурч тушуначилари ҳақида сўзлашди.

Депутат сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, янгиликлар, айниқса, яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Саммити, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели қурилишига таърифи, буларнинг оддий одамлар ҳаётидаги аҳамияти ҳамда бошқа муҳим масалалар ҳақида тўхта-

зида бўлиб ўтган учрашувда сўзга чиққан **Мукаррамхон Турсунова** мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига берилаётган мисли кўрилмаган эътиборни тилга олди.


— Ўғлим Отабек яқинда давлатимиз пойтахтида ўтказилган ёш мақом ижрочиларининг анъанавий кўрик-танловидида иштирок этиб, биринчилиكنи қўлга киритди, — дейди онахон. — Фарзандим Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Бу ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин намунаси, деб ўйлайман.

Туманда спортнинг турли йўналишларидан республика ва Осиё чемпионлари борлигини қувонч билан тилга олса бўлади. Шулардан бири 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Исmoil Махмудов ҳақида унинг устози Аббос Осланов шундай дейди:

— Шу йил 16-17 январь кунлари Тошкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда Исmoil голибликни қўлга киритди. Олтин медални қабул қилиб олар экан, кўнглимиздан Президентимиз-

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК? (4-мақола)

■ ТОШКЕНТДАН ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИГА
ЮК ТАШИШ ВАҚТИ 2 БАРОБАР ҚИСҚАРАДИ, ЮК ТАШИШ ТАРИФИ
САЛКАМ 4 МАРТА КАМАЯДИ.



БУЮК КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛАР

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши Ўзбекистон тараққиётидаги улкан воқеа, халқимизнинг тарихий ютуғидир

Халқимиз азал-азалдан йўл очган, одамларнинг узогини яқин қилган инсонларни эъзозлаб, бу ишни дунёдаги энг савобли амал сифатида улуғлайди. «Умрингдан бир кун қолган бўлса ҳам қўчат эк, кўприк сол, йўл қур!», «Йўлинг доимо ёруғ ва равон бўлсин», деб ният қилади кексаларимиз. Маҳаллага тушган келиннинг энг аввало, янги хонадон кўчасини супуриши халқимизда эзгу одатга айланган — йўл обод элининг ўзи обод ва фаровон бўлишига қаттиқ ишонамиз, бизда бу қадрият даражасига кўтарилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонларнинг ўзаро муносабатларида, мамлакатлар, давлатлар тараққиётида йўллар ҳамisha катта аҳамиятга эга бўлган. Улар орқали халқлар, эллар бир-бири билан алоқа қилишиб, савдо-сотиқ қилган, маданиятлар бойиган, сайқаллашган. Шарқ Фарб ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий муносабатларнинг мустаҳкам пойдевори бўлган Буюк ипак йўли Осиё ва Европадаги ўнлаб шаҳар ва кентлар гуллаб-яшнашига ҳаётбахш таъсир ўтказгани тарихдан маълум.

Бугунги кунда инсоният тамаддунида транспорт-коммуникация тармоғининг ўрни ва роли ўн, ҳатто юз чандон ошди, десак асло муболага бўлмайди. У давлатлараро иқтисодий интеграция асосига айланиб, мамлакатларнинг қудрати ва салоҳияти ушбу тизимнинг қандай ривож топганига боғлиқ бўлиб қолди. Йўлнинг, у темир йўл, автомобиль йўли бўладими ёки ҳаво, сув йўли бўладими, бугунга келиб аҳамияти шу қадар ортдики, ундан ҳатто сиёсий таъсир воситаси сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. «Йўлга эгалик қилган — дунёга эгалик қилади» деган қарашлар пайдо бўлаётди.

Бир сўз билан айтганда, йўл бугунги глобал дунёда нафақат иқтисодий, ижтимоий, маданий, шу билан бирга, стратегик аҳамиятга молик ҳолда тараққиётнинг муҳим омилли сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ҳар томонлама қўлай ва замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш ва ташқи бозорларга янги йўллари очиб ташаббусини илгари сурди.

«Дунё бозорига чиқиш биз учун жуда муҳим масалалар. Биз маҳсулотларимизни жаҳон бозоридан сотсак, қатъий валютага эга бўламиз. Ана шунда иқтисодимизга нима керак бўлса, ҳеч кимга ялнимай, ҳеч кимга тиз чўкмай, жаҳон бозоридан сотиб олаверамиз. Бунинг учун темир йўл, автомобиль йўли, ҳаво йўли каби коммуникацияларимизни жойига қўйиб олишимиз керак. Хитой орқали Шарққа, Эрон ва Туркия орқали Фарбга, Форс кўрфазига чиқиш ҳаракатини қилмоқдамиз. Биз Ҳинд океанига ҳам чиқишимиз зарур. Шунда савдо-сотиқни, импорт ва экспортни ривожлантириш, демаски, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш имкониятига эга бўламиз. Бу реал имконият. Мен Президент сифатида эмас, сохта обрў-этибор топиш мақсадида эмас, иқтисодчи сифатида айтаяпман. Бу даврлар албатта келади.»

Давлатимиз раҳбари томонидан 1993 йил 3 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида қўйилган ҳамда қатъият билан айтилган бу фикр-мулоҳазалар ўша пайтда мамлакатимиздаги вазият ўта қалтис ва мураккаб эканини аниқлаб турибди. Агар Ўзбекистоннинг халқаро денгиз йўлларида олисда эканини, дунё бозорига ҳатто энг яқин денгиз

порти орқали чиқиш учун ҳам камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишга, қанчадан-қанча ортиқча харажат қилишга, ташвиш чекишга, бошқаларнинг қўш-қовоғига қараб туришга, ҳатто ўз ҳудудидида жойлашган шарқ, шимол ва жанубдаги вилоятларга бориш учун бошқа давлатлар чегарасидан ўтишга мажбур бўлгани, бундай мураккаб шaroитда баъзан сунъий тўсиқларни енгишга ҳам тўғри келганини назарда тутиш, ана шу масалаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган бундай қарорнинг моҳияти ва аҳамияти янада равшан бўлади.

«Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданок жаҳонга, дунё бозорига янги йўллари очиб биз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди», деган эди Юртбошимиз 2004 йили Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида барпо этилган янги кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қатор улкан лойиҳалар илгари сурилди. Шарқда Тошкент — Андижон — Ўш — Қашқар автомобиль йўлини қуриш орқали Хитой билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш, шу мақсадда Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан боғловчи Қамчиқ доводидан ўтадиган йўлни ишга тушириш, шимолда юртимизни Устўрт орқали Қозғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрлик Қўнғирот — Бейнов тейорар автомобиль йўлини ҳамда Навойи — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайсост — Нукус темир йўлини барпо этиш, Амударё ўзро автомобиль ва поезд қатнови учун замонавий кўприк қуриш, жанубда эса Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ва Трансафғон транспорт йўлагининг Хайратон — Мозори Шариф қисmini бунёд этиш ва шу йўлдан Форс кўрфазини, Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш лойиҳалари ана шундай орзу-мақсадларнинг амалий ҳосили эди.

25 йиллик мустақил тарихимиз юқоридagi эзгу интилишларнинг рўёбга чиққандан, чиқаётганидан гувоҳлик бермоқда.

2016 йилнинг 22 июни кuni, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз тарихига олтин харфлар билан ёзилдиган қўлгус сана бўлиб қолади. Айнан шу кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида халқимиз неча йиллар, асрлар орқиб кутган улғ тарихий воқеа амалга ошди — Ангрен — Поп темир йўли ва Қамчиқ туннели ишга туширилди. Бу темир йўл ва туннел ўзининг бутун моҳияти ва қўлаи билан беқиёс стратегик иншоот, халқимиз бунёдкорлик қудратининг бетакрор маҳсули, мустақиллигимизнинг яна бир оламшумул мўъжизаси сифатида ҳаётимиздан ўрин олмақда ва унга янги маъно-мазмун бағишламқда.

Ангрен — Поп темир йўли ва Қамчиқ туннели очилиш маросимиди

Президентимиз ушбу кuni Ўзбекистон тарихидаги шонли ва унутилмас буюк саналардан бири, деб баҳолаганида тўла ҳақ эди.

Дарҳақиқат, бу иншоотлар халқимизнинг ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам эмаслиги, унинг қандай улғ ишларга қодир эканининг яна бир исботи. «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволнинг яна бир амалий жавоби бўлди.

Кеча эртақдек туюлган ўй-хаёлларнинг бугун реал воқеликка айланаётгани мустақиллик ҳақиқатан ҳам нақадар улғ неъмат эканини бизга яна бир бор аниқлаб, барчамизни бугунги тинч ва фаровон кунларнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга чорлаши табиий, албатта.

Истиқлол шундай улғ имкониятқи, унинг неъматларини санаб адоғига етолмайсан. У келгусида халқимизга бериши мумкин неъматларни эса тасаввур ҳам қилолмаймиз. У шундай бир олиғ ҳуқуқи, ҳар бир халқ ўз манфаати ва фаровонлигини кўзлаб йўллар қуради, кўприклар солади, иморатлар қўради, ўз келажагини ўзи белгилаб, мустақил равишда режа ва мақсадлар тузади. Мустақиллик шу қадар юксак инъом эканлиқи, у ҳар бир фуқарога инсоний қадр-қимматини, ўзигини, дунёга ўз номи билан чиқиш имконини бахш этади.

Буларнинг барчасини халқимиз мустақиллигининг ҳар кuni, ҳар дақиқасида кўрди, ҳаётида ҳис қилди ва ҳис қилмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ангрен — Поп темир йўлининг очилиши ана шундай улғ лаҳзалардан бири, асрга татигулик воқеа, эл-юртимиз учун ғурур ва фахр айёмидир.

Ўта мураккаб рельеф шарoитида, мустаҳкам тоғ қоялари аро қад ростлаган туннелдан, замонавий кўприклар ва мураккаб муҳандислик иншоотларидан иборат 123 километрлик бу темир излар, энг аввало, Ватанимизнинг тараққиёт йўли — фаровонлик йўли ҳисобланади.

Келинг, ушбу йўл тармоғининг баъзи бир хусусиятларига тўхталиб ўтайлик.

У 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Фарғона водийси вилоятларини пўлат белбоғ орқали республикамизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғлади, натижада мамлакатимизда ягона ва яхлит миллий темир йўл тизими яратилиши ўз низоҳасига етди. Энди одамларимиз мамлакатимизнинг бир ҳудудидан иккинчисига темир йўл орқали боришда бошқа давлат ҳудудидан қўналиб ўтишга мажбур бўлмайди. Халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳоли Тошкент вилоятдан 2-3 соатлик

узoқ масофада бўлган манзилларга етиб олиш учун қўшни давлат чегарасида асоссиз бир неча соатлаб ушлаб турилган, юклари бир неча кунлаб кечкиб келган, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлган пайтларни албатта яхши эслайди. Бу йўл ана шундай оворагарчилик ва сарсонликларга барҳам бериб, ҳар қандай иқлим шарoитида водийни юртимизнинг бошқа минтақалари билан ишончли ва самарали боғлайди.

Барчага маълум, мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳудудидида ягона темир йўл тизimini яратишга киришилди. Шу мақсадда дастлаб асрий Қорақум ва Қизилқум чўллари бағрида 342 километрлик Навойи — Учқудуқ — Мискин — Султон Увайсост — Нукус темир йўли қуриб битказилди, кечагина ҳатто от-улов билан бориш қийин бўлган чекка овуллар ёнида замонавий темир йўл бекатлари бунёд этилди. Бугунги кунда Навойи вилоятининг ўзидида йўловчилар учун барча қўлайликларга эга бўлган 15 та ана шундай бекат аҳолига хизмат қилмоқда. Шўро даврида оддий автобус бекатини қуриш учун йиллаб сарсон-саргардон бўлган замоналарни ёдга оладиган бўлсак, бугунги соадати кунларнинг қадри ва қиммати нақадар улғ эканини ана бир бор ҳис этамиз.

«Аср қурилиши» номини олган, Хисор, Бойсун тоғларини кесиб ўтувчи 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли жанубий вилоятимиз — Сурхондарёни мамлакатимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари билан боғлаш имкониятини берди. Термиздан Тошкентгача бўлган масофа 170 километрга қисқарди. Балант до чўққисю дараларни кесиб ўтадиган ушбу йўл юртимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида қандай аҳамиятга эга эканини бугун ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз темир йўл тизимидида амалга оширилган ишларнинг миқдoси ва қўлаи ҳақида фикр юритсак, темир йўлдан ҳам узунроқ рақам ҳосил бўлади. Ўтган йилларда Ўзбекистонда 1200 километр янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3800 километрлик йўл қайта таъмирланди, 1100 километр йўл электрлаштирилди. 17 та янги темир йўл вокзали қурилди ва 8 та вокзал реконструкция қилинди, 47 та кўприк, жумладан, Амударё ўзро темир йўл транспорт ва автомобиллар учун муҳташам кўприк ҳамда бошқа кўлаб йирик транспорт инфратузилма объектлари қурилди. Собик Иттифoқ пайтида Термиз яқинидаги 114 километрлик йўл қурилишига 9 йил сарфлангани

инобатга олинса, мустақиллик бу борада тараққиёт суръатларини қанчалик тезлаштириб юборгани яққол ойдинлашади.

Эркинлик ва озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини тўла рўёбга чиқарди. Шу имконият туфайли биз нафақат бугунги кунимизни қурмоқдамиз, балки келажагимиз пойдеворини ҳам мустаҳкамламоқдамиз. Шу маънода, Ангрен — Поп темир йўли бу фикрнинг яққол тасдиғи бўлган иншоотдир, у Ўзбекистонимизни келажақнинг ёруғ манзиллари томон бошлайди.

Бу ҳақда сўз борар экан, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларининг улкан иқтисодий ва меҳнат салоҳиятини ўзлаштириш, аҳолининг узогини яқин қилиш, водий қорхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мамлакатимиз, айни пайтда дунё бозорларига, шунингдек, деҳқон ва фермерларимиз томонидан етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини бюртмачи ва истеъмолчиларга ўз вақтида ва сифатли етказиб беришга имконият туғилгани гоат муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳисоб-китобларга кўра, Ангрен — Поп темир йўли шу йилнинг ўзидида 600 минг йўловчининг узогини яқин қилади. Бу рақам кейинчалик мунтазам равишда ошиб боради.

Янги йўлнинг ишга туширилиши натижаида Тошкентдан Фарғона водийси вилоятларига юк ташиш вақти 2 баробар қисқаради, юк ташиш тарифи салкам 4 марта камаяди. Бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз учун йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит ҳисобидан 140 миллион доллар маблағни тежаш имконини беради.

Янги темир йўл Ангрен эркин иқтисодий зонаси янада ривожланиши учун кенг шарт-шарoитлар яратади. Бу ерда янги қорхоналар ишга тушади, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар логистикаси бўйича қўшимча қўлайликлар пайдо бўлади.

Темир йўл қатновининг очилиши йўл атрофидаги қишлоқ ва аҳоли пунктларида қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқларнинг очилишига, тоғ ён бағридаги ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади. Буни Ангрен, Қўл, Чодак, Кон, Темирйўлобод ва Қўшминор каби 6 та янги станция ҳамда Орзу ва Поп янги вокзал бинолари барпо этилгани, йўл хавфсизлигини таъминлайдиган ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари, мактаб, тиббиёт масканлари, сув ва газ тармоқлари каби ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундай улкан лойиҳа ва режаларнинг амалга оширилиши шу минтақда яшайдиган аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг амалий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамият касб этиши барчамизга аён. Қурилиш даврида бу ерда 4 минг киши иш билан банд бўлди. Янги темир йўл ишга туширилиши билан яна 1,5 минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Эҳтиборли жиҳати шундаки, келгусида янги қорхоналар ва хизмат соҳобчаларида, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 2-2,5 минг киши ўз иш жойини топади. Янги, муносиб иш ўрни —

фаровонлик асоси, фаровонлик эса барқарорлик, тинч-тотув ҳаётнинг кафолати экани барчага маълум ҳақиқат.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ангрен — Поп электрлаштирилган янги темир йўли «Хитой — Марказий Осиё — Европа» халқаро темир йўл транзит коридорининг ажралмас қисми сифатида Европа билан Осиё қитъасини ўзаро боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг ўта муҳим узвий бўғинини ташкил этади. Аввало, бу йўл Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг стратегик йўналиши ҳисобланади. У қадимий Буюк ипак йўлининг янгича маъно-мазмун касб этадиган, замонавий йўналиши саналиб, Ўзбекистоннинг Хитойга, Хитойнинг Ўзбекистонга, жумладан, Марказий ва Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, янги йўл Фарғона водийсининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига, юртимизнинг экспорт имкониятини янада кенгайтириш ва транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Дунё жамоатчилиғи томонидан «буюк мўъжиза» дея эътироф этилган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аввало Юртбошимиз мазкур йўлнинг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамияти ҳақида илк бор 2013 йили Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида атрофича фикр-мулоҳаза билдиргани эсга олишимиз табиийдир. Ўшанда Президентимиз ушбу йўл 2016 йили ишга туширилиши ҳақида гапирган эди. Шу йили давлатимиз раҳбарининг «Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши» ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мана, ўша кун: Ангрен — Поп темир йўл тизимидида ҳаракатланадиган «Ўзбекистон» поезди дастлабки фаррий йўловчиларни кўпдан орзиқиб қутилган манзил томон бошлади. Денгиз сатҳидан қариб 1,5 минг метр баландда бўлган 19 километрлик Қамчиқ туннели 16 дақиқада босиб ўтилди. Қандай рамизий ўхшашлик: «Ўзбекистон» деб ном олган поезд — баланд чўққилар — юқори тезлик — обод, кўркам манзил...

Ўзбекистон — Ватанимиз тоғ даралари оша тараққиёт чўққиси сари интилмоқда, унинг ривожланиш суръатлари юксак, у ёруғ манзилларни забт этиш учун тинимсиз ҳаракатда.

Орзу-мақсадлари йўлида қатъий, азму шижоатли, кўпни кўрган халқимиз кўзлаган манзилига албатта етади. Ангрен — Поп темир йўли бўйлаб ҳаракатланган «Ўзбекистон» поездида ёруғ йўлга чиққан ҳар бир йўловчи бу ҳақиқатни ўз юрагидан, қалбидан ўтказганига, истиқлолнинг фараҳбахш кунлари учун шукроналар айтганига ишончимиз комил.

Бу йўллар юртимизнинг қудратли тараққиётига қувват бағишламқда. Бу йўллар халқимизга фаровонлик, тўқинлик келтирапти. Мухтарам Президентимиз танлаган бу йўл бизни дунёга олиб чиқмоқда, ҳаммамизга чексиз ғурур-ифтихор бағишламқда. Қиёсанг, ҳулоса қилинг: кеча ким эдигу, мана, бугун ким бўлди! Эртага бизни қандай улғ марралар кутмоқда!

Алҳамдулиллоҳ

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ
— ЕНГИЛМАС КУЧ!■ Мамлакатимиз келажаги эртага қандай бўлиши бугун
вояга етаётган ёшларнинг билими, эътиқоди,
ватанпарварлигига боғлиқ.

БОЛАЛАРНИНГ ЁНИБ ТУРГАН КЎЗЛАРИ

Ўзбекистон раҳбариятининг таълим соҳасидаги
сиёсатининг энг яхши натижасидирСОЛИҚ
БИЛИМДОНЛАРИ

Самарқанд педагогика коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасида «Солиқ билимдонлари» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Ўқувчи-ёшларнинг билими тўрт шарт асосида синалди.

«Зарафшон» газетаси сайтида хабар берилишича, Тошкент солиқ коллежининг «Замонавий солиқчилар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Фарғона солиқ коллежининг «Солиқчилар» жамоасига, учинчи ўрин Оқдарё туман мактаб-гача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Ўқувчи» жамоасига насиб этди.

Ҳолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

ҲАРБИЙЛАРГА
ЯНГИ УЙЛАР

Нишон туманида чегара қўшилари ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун шинам уйлар бунёд этилди.

Янги турар-жойларнинг эгаларига топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида шакллантирилган замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, ихчам ва тезкор миллий армиямиз мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Уйлар яқинида барпо этилган кўркам болалар майдончаси ҳарбийларнинг фарзандлари учун ажойиб совға бўлди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ОРОМГОҲИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Кўёшли» болалар соғломлаштириш масканида Республика Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилди. Унда «Билмлар беллашуви» ҳамда «Олимпиадалари» бўлиб ўтган 500 нафар иқтидорли ўғил-қиз бепул соғломлаштирилди. Аини кунда оромгоҳ 250 нафар иқтидорли ўғил-қизларни ўз қучоғига олган.

Яқинда ушбу оромгоҳнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган ушбу эътибор албатта ўз самарасини беражagini таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қароридан мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йиллар мобайнида юртимизда соғлом ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган. Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлоднинг вояга етиб, бугунги кунда халқчилуви куч бўлиб майдонга чиқаётгани энг катта ютуғимиз сифатида таъкидлашни беҳиз эмас. Мамлакатимиз келажаги эртага қандай бўлиши бугун вояга етаётган ёшларнинг билими, эътиқоди, ватанпарварлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган орзу-ниятимиз умуммиллий шioriга айланиб, халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

Бунинг сабаби шундаки, дунёдаги ҳар қайси мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг юксак тараққиёти, жаҳон майдонидagi ўрни ва нуфузини оширишда замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни ҳар томонлама чуқур эгаллаган, интеллектуал-маънавий жиҳатдан ривожланган кадрлар, яъни



ёшларга таянади. Ана шу улғу мақсад йўлида мамлакатимизда бекиёс ишлар амалга оширилди, янги авлод кадрларини тарбиялаб вояга етказиш бўйича самарали тизим яратилди. Бу тизим бамисоли қудратли локомотив бўлиб, бутун жамиятни ҳаракатга келтирмоқда, унинг ривожига қудратли туртки бермоқда.

Содда қилиб айтганда, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар давомли ва изчил ҳаракатга эга бўлиб, у жамиятнинг нафакат қиёфаси, балки мазмун-моҳиятини ҳам бутунлай ўзгартириб, уни халқимиз орзу қилган янги сифат даражасига кўтаришининг энг самарали йўлига айланиб бормоқда.

Қарорда куйидаги улкан ўзгаришларга эътибор қаратилади: Болалар спортини ривожлантириш жағмафаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 2 минг

900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилган, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етган.

Биз касбимиз тақозоси билан ёшларнинг ўқишда, жамоат жойларида ўзини тутиши, кийиниши, муомала маданияти, изланиш ва қизиқиш доирасига эътибор берамиз. Уларнинг замонавий фикрлаши, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга зийрак назар, дахлдорлик ҳисси билан баҳо бера олиши, профессионал билим даражаси, маънавий салоҳияти билан жамиятимиз қиёфасини белгилайдиган кучга айланиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги ёшларимизда ўзлигини англаш, бошқалардан кам бўлмасдан, бутун билим ва куч-ғайрати, азму жиҳодини намоён этишга интилиш, миллий ғурур-ифтихор

туйғуси кучли. Бу ҳақиқатни халқаро миқёсда кўзга ташланган нуфузли олим ва мутахассислар ҳам эътироф этмоқда. Масалан, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори В.Садовничий шундай фикр билдирган: «Мамлакатингиздаги мактабларда бир неча бор бўлганман. Ҳар сафар болаларнинг ёниб турган кўзларини кўрганман — бу Ўзбекистон раҳбариятининг таълим соҳасидаги сиёсатининг энг яхши натижасидир».

Собик мустабид тузум даврида ҳукмрон мафкура «пахта — миллий ифтихоримиз» деган сохта гапларни уйлаб топиб, бизни ҳақиқий тарихимиз, буюк аждодларимиздан, уларнинг бебаҳо меросидан бегона қилишни кўзлаган, ёшларга миллий қадриятларимиздан мутлақо йироқ бўлган шахслар ибрат қилиб кўрсатилар эди.

Бугунги кунда ёшларимиз орасидан жаҳон ва қитъа чемпионлари, халқаро фан олим-

пидалари голиблари етишиб чиқмоқда. Уларга «Мен шу азиз юрт фарзандиман, мен улғу зотлар авлодиман, буюк тарих ва маданият эгасиман», деган ҳақиқий миллий ғурур туйғуси куч-қувват ва мадад бермоқда.

Ёшларимиз оила, Ватан ва халқ шаънини ифода этадиган туйғу ва тушунчаларни, айниқса, юксак қадрлайди. Ана шундай муқаддас мақсадларга хизмат қилишни ўзи учун буюк шараф деб билади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчиликлари томонидан 2016 йилнинг 28 январидан 8 февралгача «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётини қадрлаш, маънавият, истиқбол режалари» мавзусида ўтказилган социологик сўров ва тадқиқот натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 63,2 фоизи ҳар бир киши ўз халқи тарихини албатта чуқур билиши керак, деган фикрни билдирган, 62,3 фоизи миллий анъаналарни ҳурмат қилиш шарт, деган фикрни билдирган.

Бугун ҳаёт биздан нафакат замонавий билим ва касб-хунарни эгаллаган, аини чоғда ватанпарвар, иймон-эътиқодли, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқатли авлоднинг тарбиялашисини талаб этмоқда. Юрт учун ўзининг бутун борлигини беришга тайёр бўлган бундай ёшлар, ҳаётга дадил кириб бораётган бундай қудратли авлод Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачигидай асрайди, манфаатини ҳимоя этади, уни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига албатта олиб чиқади.

Ҳусниддин АХМЕДОВ,
Навий давлат қончиликл
институтини проректори.

■ ФУТБОЛ

EURO2016
FRANCEГол урмасдан
галаба
қозониб
бўлмайд

Францияда футбол бўйича
давом этаётган XV Европа
чемпионати ярим финал учра-
шувлари бўлиб ўтди.

Дастлабки финалчи номи
Португалия — Уэльс терма
жамоалари ўртасида кечган
баҳсда аниқланган эди.
Гарчи, учрашув олдиндан
кўпчилик уэльсликлар
галабасини тахмин қилган
бўлса-да, португалиялик-
лар 2:0 ҳисобида рақибдан
устун келди. Қриштиано
Роналду ҳисобни очган
бўлса, Нани иккинчи голга
муаллифлик қилди.

Бу Португалия футболчилари-
нинг мусобақа давомида учрашув-
нинг асосий вақтида қозонган даст-
лабки галабасидир. Улар гуруҳда-
ги уч уйиннинг барчасида дуранг
қайд этиб, 1/8 финалда хорватия-
ликлар устидан қўшимча таймлар-
да зафар қучган. Чорак финалда
эса польшаликлар билан (1:1) ду-
ранг қайд этиб, пенальтилар се-
риясиди (5:3) муваффақият қозо-
нишганди.

Иккинчи финал йўлланмаси тақ-
дири Германия — Франция терма
жамоалари баҳсида ҳал бўлди.
Уйинда германияликлар сезилар-
ли даражада устунлик қилган
бўлса-да, мезбонлар галаба қозон-
ди. Аввалига 45+1 дақиқада фран-
цияликлар вакили Антуан Гризман
пенальтидан ҳисобни очди. Сўнгра
72-дақиқада у яна бир бор ўзини
кўрсатди.

Бу билан у чемпионатдаги гол-
лари сонини олтинга етказиб
олди. Ҳозирча бу Европа чемпио-
натлари тарихидаги энг яхши ик-
кинчи натижа саналади. Бунгача
1984 йили ўтган қитъа чемпионати-
да франциялик ҳужумчи Мишель
Платини беш учрашувда тўққизта
голга муаллифлик қилган эди.

Финал учрашуви 10 июль кун
ўтказилади. Сен-Дени шаҳридаги
«Стад де Франс» стадионида бўла-
диган ҳал қилувчи баҳсда Порту-
галия — Франция терма жамоала-
ри майдонга тушади.

Эркин ХОЛБОО

■ ФУҚАРОЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИ
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДАНазорат тартибида
ўрганиб чиқилиб...

Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида исти-
қомат қилувчи фуқаро Тоир Турсунов ва бош-
қалар тахририятимизга ёзган шикоятда Самар-
қанд шаҳрида яшовчи Акрам Оманов деган шахс
«Дамас», «Нексия» машиналари олиб бераман
деб, одамларни алдаб, жами 49 кишидан бир
миллион 220 миллион сўм олиб, фирибгарлик
қилиб юргани баён этилган. Биз шикоят ха-
тини Самарқанд вилоят прокуратурасига юбор-
ган эдик. Яқинда Самарқанд вилоят прокурату-
расидан жавоб хати олинди. Унда, жумладан,
шундай дейилган:

«Фуқаро Т.Турсунов ва бошқаларнинг
А.Оманов томонидан содир этилган фириб-
гарлик ҳаракатларидан норози бўлиб йўллан-
ган мурожаати вилоят прокуратураси томо-
нидан ўрганиб чиқилди.

Аризада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан
Самарқанд шаҳар ИИБ ТБ томонидан ЖКнинг
168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши
кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари давом этти-
риш ишлари учун Самарқанд вилоят ИИБ ТБга
юборилган.

Жиноят иши бўйича 2016 йил 18 март кун
А.Омановга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси
3-қисми «а» банди, 228-моддаси 2-қисми «а,
б» бандлари билан сирдан айб эълон қили-
ниб, «қамок» эътиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 364-
моддаси 1-қисми 2-бандига асосан ҳаракат-
дан тўхтатилган жиноят иши вилоят проку-
ратураси томонидан назорат тартибида ўрга-
ниб чиқилиб, А.Омановни қидириб топиш
мақсадида ЖКнинг 370-моддаси тартиби-
да кўрсатма берилган».

Д.КАСИМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратури ўринбосари.

■ РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2016 йил 11 август кунин бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш
тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказида

Аукцион савдоларига Тошкент ви-
лоят, Зангиота тумани, «Дархон» қишлоғида
жойлашган «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тош-
кент Қозғоз фабрикаси балансидаги 2002
й. и/ч, д/р 01/575НБА, бошланғич нархи
12 012 237 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент
ш., Яқкасарой тумани, Бешчирок кўчаси,
2-уйда жойлашган «Ўзбектелеком» АК Тош-
кент филиали балансидаги, Паркент ТК
боғламасига бириктирилган 1989 й. и/ч,
д/р 10/132МАА, бошланғич нархи
5 883 000 сўм бўлган «ГАЗ-5312», Газал-
кент ТК боғламасига бириктирилган 1990
й. и/ч, д/р 10/949SAA, бошланғич нархи
5 984 000 сўм бўлган «ГАЗ-5312» русум-
ли автомобилотранспорт воситалари ҳамда
Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қоди-
рий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон
Республикаси Олий суди балансидаги 2007
й. и/ч, ҳар бирининг бошланғич нархи
6 700 000 сўмдан, завод рақамлари
№СЛ05093, №СЛ05094 ва №СЛ05095
бўлган «ПП-427» русумли пассажир лиф-
тлари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни
қабул қилиш, расмий иш кунларида

мазкур эълон чиққан кундан бошланади
ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат
18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлан-
ғич нархнинг қамиди 20 фоизи миқдори-
даги закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL
AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипо-
текабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги
ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000
7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бош-
лаб йигирма кун мuddат ичиди олди-сот-
ди шартномасини имзолаш, тўланган за-
калат пули миқдори сотиб олиш тўлови
миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил
этган тақдирда, етишмаётган суммани
шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш
шартлари қўйилади.

Мазкур автотранспорт воситалари
юқорида белгиланган савдо куниди со-
тилмаган тақдирда, улар бўйича так-
торий аукцион савдолари навбатдаги
ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари
ўтказилади. Ушбу автотранспорт воси-
талари ҳолати билан сотувчи ташки-
лотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган


манзилларига бориб танишиши мумкин.
Аукцион савдолари соат 15:00 да бош-
ланади ва қўйида кўрсатилган манзилда
бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир
Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-
хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари:
телефон: 233-23-40; телефакс:
233-23-40, электрон почта:
TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL
AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2016
йил 30 июнь ва 7 июль кунлари ўтказилган
аукцион савдоси натижаларига кўра, Халқ
иқодиёти ва маданий-маърифий ишлар
Республика илмий-методика маркази ба-
лансидаги д/р 01/299КВА бўлган «ГАЗ-
3110» — 2 900 000 сўмга; «Ўзбекистон»
халқаро тантаналар саройи биноси ва ат-
рофидаги ҳудуддан фойдаланиш бўйича
ихтисослаштирилган дирекция балансида-
ги д/р 01/237ЕЕА бўлган «Нексия СОНС» —
23 000 000 сўмга сотилганлиги маълум
қилинади.

Гувоҳнома № 005357

2016 йилнинг 12-16 июль кунлари
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»
МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА МАЖМУАСИДАI-ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТ
ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ: WWW.AGROFAIR.UZ САЙТИДА.

■ МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV


ТАХРИР ХАҲАТИ:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOVSaidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOVSaidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 759
9052
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:40
Topshirilgan vaqti — 23:45
Sotuvda kelishilgan narxdaNavbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

1 2 3 4 5

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI